
ЧЎНҒАРАЛИКЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Юртимизда халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳолининг талаб ва таклифларини ўрганиш, уларнинг дардларини тинглаш, муаммоларни имкон даражасида жойида ҳал этиш ҳар бир раҳбар ва давлат органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугун Риштон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Усмонжон Мамадалиев анклав ҳудуд саналган Чўнғара маҳалласида бўлиб ногиронлиги бўлган фуқаролар билан танишиб ордер, дори-дармон ва иш масалаларида ёрдам берди. Ташриф давомида тиббиёт бирлашмаси бошлиғи 2 нафар фуқарога ордер, 4 миллион сумлик дори-дармон ва 1 нафар фуқаронинг иш масаласини ҳал қилди.

2021-08-14 09:12:15